# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 16 апрель, № 75 (6258) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.*

Жумладан:

Эрон Ислом Республикаси Президенти — **Ҳасан Руҳоний**

Бруней-Доруссалом Султони — **Ҳожи Ҳассанал Болкиях Муиззадин Ваъдауллоҳ**

Молдова Республикаси Президенти — **Николай Тимофти**

Япония "Сока Гаккай Интернешнл" будда ташкилоти президенти — **Дайсаку Икеда**

"Корея газ корпорацияси" президенти ва бош ижрочи директори — **Жонг Хо Ли**

"Лотте Груп" раиси — **Донг Бин Шин**

"Самсунг Электроникс" компанияси президенти — **Сан Жин Пак**

"Хитой миллий нефть-газ корпорацияси" директорлар кенгаши раиси — **Чжоу Цзипин**

"Поли Текноложи Инк." компанияси президенти — **Ван Лин**

"Хуавей Текноложи Ко.Лтд" компанияси президенти — **Жэн Чжэнфэй**

"Сасол Лимитед" президенти ва бош ижрочи директори — **Дэвид Констебл** табрик йўллаган.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## ЕХҲТнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

*2015 йил Ўзбекистонда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилингани тўғрисидаги маълумотлар Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Венадаги қароргоҳида ЕХҲТнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.*

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Унда кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 2015 йил Ўзбекистон Республикасида "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилингани ўз ифодасини топган.

"Ёши улуғ инсонларга эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатиш жамият маънавияти ҳамда маданияти юксаклигининг кўрсаткичи ҳисобланади, — дейилади мазкур ҳужжатда. — Бундай ахлоқий сифатлар неча-неча асрлар давомида ўзбек халқига хосдир. Кексаларга ғамхўрлик мамлакат мустақиллигининг дастлабки кунларидан буён давлат сиёсатида устуворлик касб этмоқда.

Иқтисодиётнинг изчил ва мувофиқлашган тараққиёти аҳолининг, шу жумладан, кекса авлод вакилларининг ҳаёт даражаси ва сифати муттасил ошиб боришига асос бўлиб хизмат қилаётир. Биргина 2014 йилнинг ўзида ёши улуғ инсонлар вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 11 триллион 618 миллиард сўм пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд маблағ эса нафақа тўловлари учун ажратилди. Ҳар йили уруш ва меҳнат фронти фахрийларига бепул тиббий хизмат кўрсатилиши, санаторий-соғломлаштириш муассасаларида даволаниши, бошқа зарур воситалар билан таъминланиши юзасидан кўмак кўрсатилмоқда".

Материалда қайд этилганидек, 2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилиниши муносабати билан тегишли Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур ҳужжат кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ҳамда анъаналари руҳида тарбиялашда уларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Унда алоҳида таъкидланганидек, "Давлат дастури доирасида ёши улуғ инсонлар учун аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш кучайтирилади, уларга ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатиш кўламлари кенгаяди. Кекса авлод вакилларининг фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминланиши учун маҳаллалар, "Нуроний" жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёси оширилади.

(Давоми 2-бетда).

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*



## Долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

Депутатлар ижтимоий-иқтисодий соҳани янада такомиллаштиришга, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент аъзолари ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Қонунчилик палатасига киритилган янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Мазкур қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгиланган вазифалар доирасида ишлаб чиқилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи томонидан назариётчи олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертлар иштирокида 10 дан ортиқ тадбирлар, жамоатчилик муҳокамалари ўтказилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг матни Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида ҳамда "norma.uz" юридик-ахборот порталида жойлаштирилиб, экспертларнинг, жамоатчиликнинг таклиф ва фикр-мулоҳазалари олинди. Қонун лойиҳаси келиб тушган таклифлар асосида янада маромига етказилиб, такомиллаштирилди, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг қонунчилик йўли билан тартибга солишга доир ижобий тажрибаси ўрганилди.

(Давоми 2-бетда).

### ДИЛ СЎЗИ

*Бу йил 103 ёшни қаршиладим. Кўпчилик мендан "Узоқ умр кўришнинг сири нимада?" деб сўрайди. Шунда ўзим ҳаётда амал қилиб, кам бўлмаган хислатларни бирма-бир санайман: "Аввало, инсон сифатида ўзимиз яшаётган, жаннатмонанд Ўзбекистонимизни севишимиз, ундаги ҳар бир янгиланиш ва бунёдкорликдан қувониб яшашимиз керак", дейман. Донолар бежиз одам яхши кунларни кўриб, яшаради демаган-да.*

## Эҳтиромдан беҳад мамнунмиз

Юртимизнинг кекса авлод вакиллари истиқлол йилларининг дастлабки кунлариданоқ эътибор ва ардоқда. Биргина мисол, қарилик нафақасини уйимизга олиб келиб беришаётган бўлса, Хотира ва қадрлаш куни, Наврўз ҳамда бошқа байрамларда маҳалламиз вакиллари, шифокорлар, ёшлар йўқлаб, иссиқ-совуғимиздан хабар олаётган бўлса. Ахир бундай инсонпарвар юрт қайда бор?!

2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилингани ҳам бизга бўлган ҳурмат, ғамхўрлик белгисидир. Бундай эътибор, қолаверса, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ва фаровонликдан умримизга умр қўшилмоқда.

Ўзим Сурхондарёнинг энг чекка туманларидан бири — Олтинсойда яшайман. Туманимиздаги ўзгаришлар, яратилаётган боғу роғлар, бунёдкорлик ишларидан қувонаман. Шаҳардагидан қолишмайдиган, намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойларни айтмайсизми?! Қишлоқлар ҳуснига ҳусн қўшаяпти.

Фарзандларим ана шундай кўркам ва чиройли уйларда яшаётганидан севинаман. Айниқса, невара-чеваралрим таълим олаётган янги қурилган мактаб ҳамда коллежларни кўрганимда, кўзларим хурсандчиликдан ёшланади. Шундай ажойиб юртимизга кўз тегмасин, Юртбошимиз омон бўлсинлар, дея дуога қўл очаман.

(Давоми 2-бетда).

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ САМАРАЛАРИ

## аҳоли турмуш фаровонлигида яққол намоён бўлмоқда



*Бирор ҳудуд тараққиётига баҳо берилганда, аввало, унинг иқтисодий салоҳияти алоҳида эътиборга олинади. Қашқадарё вилоятида ҳам истиқлол йилларида мазкур соҳанинг барча тармоғида изчил юксалишга эришилди. Энг чекка ва олис қишлоқларгача саноат кириб борди.*

### ЖАРАЁН

Бир пайтлар чўлу биёбондан иборат бўлган кенгликларда замонавий корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Бу каби ислоҳотларнинг ҳаётбахш самаралари аҳоли турмуш фаровонлигида ўз аксини топаётгани қувонарли ҳолдир.

Айтиш жоиз, 2014 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 7,9 фоиз, шу жумладан, саноат маҳсулотлари ҳажми 6,7, халқ истеъмоли моллари 5,8, капитал қўйилмалар 5,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоиз ўсди.

Воҳадаги ижобий ўзгаришларни Деҳқонобод туманидаги янгиланишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Яқин-яқингача тап-тақир даштдан иборат бўлган бу жойлар бугун боғроғларга бурканиб, кўркам манзилларга айланмоқда. Мазкур ҳудудда барпо этилаётган саноат корхоналари нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз равнақида салмоқли ўрин тутиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

(Давоми 2-бетда).

### ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

*Тинчлик — улуғ неъмат. У мамлакат тараққиётида ҳам, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришида ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Шундай экан, осойишталикнинг қадрига етиш, жонажон Ватанимиздаги тотувлик, ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Айниқса, бу эзгу тушунчаларни ёш авлод онгига сингдириш, уларни комил инсон этиб тарбиялаш ғоятда муҳим саналади. Бинобарин, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида мамлакатимиздаги барча таълим масканларида Тинчлик дарслари ўтказилиши режалаштирилгани ана шу эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

## Шукроналик ва масъулият ҳисси

**Хотира ва қадрлаш куни арафасида мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида Тинчлик дарслари ўтказилади.**

Болажон халқмиз. Ҳар биримиз фарзандимиз тимсолида орзу-ҳавасларимиз рўёбини кўрамиз. Шукрки, юртимизда ўғил-қизларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Нафақат шаҳарларимизда, балки энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий, кўркам мактаб ва коллежлар бунёд этилган. Қолаверса, халқаро талаблар даражасидаги спорт мажмуалари эртамиз эгалари ихтиёрида. Булар истиқлол шарофатидандир.

Дарҳақиқат, мустақиллик берган имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Бу йил энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 24 йиллигини кенг нишонлаймиз. Мана шу ўтган давр мобайнида барча соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилди. Уларни санаб саноғига етиш қийин. Лекин шуни ҳам айтиш жоизки, ҳеч бир муваффақият ўз-ўзидан келмайди ёки осмондан тушиб қолмайди. Эришаётган, дунё ҳамжамияти алоҳида эътироф этаётган беқиёс ютуқ ва марраларимиз мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Шунинг учун ҳам кексаларимиз дуога қўл очганда, дориламон кунларимизга шукрона айтиб, тинч ҳамда фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин, дея ният қилишади. Бундай тилакларда чуқур маъно-мазмун мужассам. Зеро, бугун дунёда қанча инсон ёруғ кунлар умидида яшаяпти?! Қанчадан-қанча одамлар турли қарама-қаршиликлар, низолар, молиявий-иқтисодий инқироз, табиий офатлар туфайли ҳаловатини йўқотган?! Албатта, улардан тўғри хулоса чиқариш, бизга берилган бебаҳо неъматнинг қадрига етиш айни муддаодир.

— Инсон умрида осойишталикнинг ўрни қанчалик муҳим эканини мен ўз ҳаётим мисолида кўрдим, — дейди Учтепа туманилик меҳнат фахрийси Нигматулла Саъдуллаев. — Ниятларингиз, орзу-умидларингиз фақат тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон бўлган жойдагина амалга ошаркан. Баъзан шулар ҳақида ўйлаб, умримнинг ўтган йилларини хотирлайман. Афсуски, айни ўйнаб-куладиган йигитлик чоғимиз уруш даврига тўғри келди. Одамларда ҳаловат йўқолган, кун кечириш қийин. Эҳ-ҳе, буни эслашнинг ўзи жуда оғир. Биз ана шу мусибатларни бошимиздан кечирганимиз учун ҳам ёшларга насиҳат қилганда "Тинчликнинг қадрига етинглар, мустақилликка муносиб фарзанд бўлинглар", дея уқтирамиз.

(Давоми 2-бетда).

## 2015 йил – КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

*Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 26 мартда имзоланган умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида давом этаётган саломатлик ҳафталиги Тошкент вилоятида яшовчи кексаларнинг ҳам хурсандчилигига сабаб бўлмоқда.*

## Саховатга йўғрилган ташаббус

Хусусан, Пискент тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида ўтказилган асосий тадбирларда уруш ва меҳнат фахрийлари, боқувчисини йўқотган ёлғиз қариялар, ногиронлар малакали шифокорлар кўригида бўлиб, зарур маслаҳатлар олишаяпти.

Ушбу поликлиника ҳудуддаги 95305 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Унинг биноси тубдан таъмирланган бўлиб, энг зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Ҳовлида очилиб турган турфа гуллар муассасага келаётганлар руҳиятига ижобий таъсир этиши, шубҳасиз. Зеро, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино айтганидек, гўзал манзара ва ширин сўздан кўпроқ баҳраманд бўлмоқ ҳар қандай кишининг таъбини ёруғ, феълини майин қилади.

Тадбир доирасида ёши улуғ кишиларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар бепул тарқатилди. Пискент шаҳрининг Навоий маҳалласида яшовчи Жаҳонбу ая Аҳмаджонова бу йил тўқсонинчи баҳорни қарши олди. Шифокорлар у кишининг хонадонига ташриф буюриб, дори-дармонларни улашишганида, онахоннинг кўзларига қувонч ёшлари қалқди.

(Давоми 2-бетда).

# Долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидландики, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига, шунингдек, фуқароларнинг кундалик турмушига ахборот технологияларини кенг жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, банк хизматлари, электрон тўловларнинг янги турларини ҳаётга татбиқ этиш орқали тўлов амалиётининг янада соддалашувига эришилаяпти.

Қабул қилинаётган қонун лойиҳаси тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қўшимча шароитлар яратиш имконини беради, электрон тижоратни янада ривожлантиришга, электрон савдода замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга, битимларни тузиш тартиб-таомилларини соддалаштиришга, электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий механизмларини ўрнатиш ва ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг муҳокамаси мутахассислар, тадбиркорлар, олимлар ва жамоатчиликнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда қизиқарли ҳамда эркин мунозара руҳида ўтди.

Моддама-модда муҳокамадан сўнг масъул қўмитага қонун лойиҳасининг айрим нормаларини маромига етказиш ва уни депутатлар учинчи ўқишда кўриб чиқишлари учун киритиш топширилди.

Депутатлар, шунингдек, бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ҳамда Қонунчилик палатаси ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# ЕХҲТнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Шулар билан бир қаторда, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари тасарруфидаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг бепул соғломлаштирилиши ташкил этилади".

Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама рағбатлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ёши улуғ инсонлар учун нафақат моддий, балки маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам салмоқли қўллаб-қувватлаш эканлиги ушбу ҳужжатнинг хулоса қисмида алоҳида таъкидланган.

**«Жаҳон» АА.**
Вена

# Эҳтиромдан беҳад мамнунмиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Куни кеча Президентимизнинг "Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини эшитиб, қувончимизга қувонч қўшилди. Унда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурига мувофиқ, 2015 йилнинг 1 майидан мен сингари 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаш белгиланибди. Қолаверса, ушбу ҳужжатда ёши улуғ юртдошларимиз учун яна бир қатор имтиёз ва ғамхўрликлар назарда тутилганки, буларнинг барчаси тинчлик-омонлик, оқилона сиёсат мевасидир.

"Қариси бор уйнинг париси бор", дейишади. Биз, кексаларни қадрлаётган, эъзозлаётган Ўзбекистонимизнинг келажаги бундан-да буюк бўлишига астойдил ишонамиз.

**Олтинсой туманилик Йўлдош ота БОБОЕВнинг дил сўзини Нормурод ТЕМИРОВ ёзиб олди.**

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Янги ижтимоий-сиёсий шароитларда парламент ва депутатлик назорати самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари: қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти" мавзуида семинар ўтказилди.*

# ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Тадбирда Сенат аъзолари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, вилоятлар таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари вакиллари, олимлар ҳамда журналистлар қатнашди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда янги ижтимоий-сиёсий шароитларда давлат ҳокимияти органлари тизимида парламентнинг ўрни янада мустаҳкамланди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш ваколати сезиларли даражада кенгайтирилди. Зеро, буларнинг барчаси қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, истиқболда қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида уларни амалиётга татбиқ этишда учраётган муаммоларни аниқлашнинг таъсирчан воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисида таъкидланганидек, қонун чиқарувчи органда, энг аввало, минтақаларнинг манфаатларини ифода этувчи сенаторлар жойларда қонунларнинг, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга доир энг муҳим давлат дастурларининг ижро этилишини ўрганишда, ҳудудлардаги муаммоларни аниқлашда, қонунлар устида ишлаётганда ҳудудлар манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишлари зарур. Бинобарин, Сенат қўмиталарининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлигига оид аниқ механизмлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти, хусусан, қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун минтақавий семинарлар ўтказилгани ана шулар жумласидандир.

Семинар доирасида қонунларни ижрочиларга етказиб бериш, назорат-таҳлил тадбирларига соҳа мутахассислари ва фуқаролик жамияти институтларини жалб этишнинг аҳамиятига доир масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисида қайд этилганидек, янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабларининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлмоғи зарур.

Тадбир қатнашчилари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссияларининг парламент ҳамда депутатлик назорати самарадорлигини юксалтириш, қонунлар ва давлат дастурларининг бажарилишини ўрганиш, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, қонунчилик соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклифларини билдиришди.

Тўхталиб ўтилганидек, ҳар бир депутат бугунги кунда ўзининг аниқ ҳаракат дастурига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шубҳасиз, унда қабул қилинган қонунлар ва муҳим давлат дастурлари устидан назоратни амалга ошириш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу эса демократик ислоҳотларни янада муваффақиятли давом эттиришнинг кафолатидир.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда Парламент комиссияси иш фаолияти билан боғлиқ бир қанча, жумладан, 2015 йилда давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртмалар учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлаш, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан зарур ташкилий ҳамда услубий ҳужжатлар лойиҳаларини такомиллаштириш, шунингдек, Парламент комиссиясининг 2015 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган фаолият режасини ишлаб чиқиш ҳамда бошқа масалалар кўрилди.

Айтиш жоизки, Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2008 йил 3 июлдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қўшма Қарори асосида тузилган бўлиб, унинг асосий мақсади нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш, молиялаштириш манбаларини шакллантиришда очиқлик, ошкоралик принципларига амал қилган ҳолда, маблағларни мақсадли тақсимлашдан иборатдир.

Йиғилишда қайд этилганидек, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани жамиятимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ҳамда ролини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Олий Мажлис палаталарининг 2008 йил 3 июлдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қўшма Қарори муҳим дастуриламал бўлаётгани эътироф этилди.

Таъкидлаш лозимки, ўтган давр мобайнида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратилган маблағлар уларнинг ташкилий-техник ва иқтисодий негизини янада мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатиб, сони ва сифати сезиларли даражада ортишига хизмат қилди. Пировардида бугунги кунда мамлакатимизда 8 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари, мингдан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан Парламент комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# Саховатга йўғрилган ташаббус

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Умрим далада ўтган, эртаю кеч бошим қора меҳнатдан чиқмаган, — дейди онахон. — Ишлайверибмиз-у, қадр нима, эъзоз нима билмабмиз. Кечаги оғир кунларимизни ўйлаб, мустақиллигимизга кўз тегмасин, деймиз. Президентимизга раҳмат. Биз, кексаларга шундай эътибор, ғамхўрлик кўрсатилаяптики, бундан беҳад мамнунмиз. Шифокорлар доимо ҳолимиздан хабардор. Уларнинг йўқлодан тойдириб, эзиб қўйган эди. Бугунги ҳаётимизга ҳар қанча шукроналар айтсак, камлик қилади. Бундай замон тушимизга ҳам кирмаган. Энди роҳат-фароғатда яшайдиган ёруғ кунлар келди. Ўғилларимнинг ҳаммасида машина бор. Ҳозир йўлда мени кўриб қолиб, "Ота, қаерга кетаяпсиз, ўзимиз олиб борамиз", деб ҳолижонимга қўйишмади. Барака топишсин, лекин мен пиёда юришни яхши кўраман. Ёшу қари билан суҳбатлашишни ёқтираман. Чунки инсон инсондан меҳр олади, куч олади. Мустақилликка эришганимиздан буён кексалар, аёллар ва болалар саломатлиги давлатимизнинг доимий эътиборида. Тошкентдан келган шифокорлар ҳаммамизни тиббий кўрикдан ўтказиб, маслаҳатлар беришди. Фуқаросини, кексаларини, аёлларини эъзозлайдиган шундай юрт яна қаерда бор?! Барака топишсин, шифокорлар дори-дармон, даволанишим учун йўлланма беришди. Биз каби ёши улуғларга ғамхўрлик кўрсатаётганларга айтаманки, бу яхшилигингиз сизларга минг баробар бўлиб қайтсин. Осойишта, тинч-тотув ҳаётимизга кўз тегмасин.

Отахоннинг мамнуният оҳангидаги бу сўзларини бежиз келтирмадик. Зеро, истиқлол шарофати туфайли энг олис ҳудудларда яшовчи аҳоли учун ҳам замонавий ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Соҳадаги кенг кўламли ислоҳотлар боис бошқа жойларда бўлганидек, бизда ҳам ҳар бир даволаниш муассасаси янгитдан қурилди ёки тубдан таъмирланди, — дейди Пискент тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Муҳаббат Қодирова. — Улар илғор ускуналар билан таъминланди. Бу эса мурожаат билан келувчиларнинг мушкулини осон қилишда беқиёс аҳамият касб этмоқда. Бундай тадбирларда профессор-ўқитувчиларнинг маҳаллий мутахассисларга маслаҳат бераётгани ҳам айни муддао бўлаётир.

Кечаги маълумотлардан: ... 

"Жасорат, бурч, матонат" шиори остида ташкил қилинган саломатлик ҳафталиги тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам қизғин давом этмоқда.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ САМАРАЛАРИ

## аҳоли турмуш фаровонлигида яққол намоён бўлмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътироф этиш лозимки, туманга темир йўл кириб келиши, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи каби йирик саноат корхонасининг ишга туширилиши ҳудудда қўшимча тармоқларнинг ривожланишига туртки берди. Масалан, шу пайтга қадар бу ерга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам бошқа ҳудудлардан келтириларди. Бу эса ортиқча оворагарчиликларга сабаб бўларди. Шўртан газ-кимё мажмуаси томонидан туманда қандолат ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғининг ташкил этилиши ушбу муаммони бартараф этишда айни муддао бўлди. Яъни ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш имконияти юзага келди. Хусусан, 2011 йили ишга туширилган печенье цехи хорижнинг энг замонавий технологик линияси билан жиҳозланган. Айни пайтда 20 киши меҳнат қилаётган корхонада бир сменада 800 килограммгача ширинликлар тайёрланмоқда.

— Хамир қоришдан тортиб тайёр маҳсулотни қадоқлашгача бўлган барча жараён конвейер усулида амалга оширилади, — дейди цех смена устаси Олим Қурбонов. — Ширинликларимиз сифати билан харидорларга манзур бўлаяпти. Ҳозир маҳсулот турини кўпайтириш баробарида, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ҳам ҳаракат қилмоқдамиз.

Жорий йилда туманда юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида юқоридаги каби 123 та лойиҳани рўёбга чиқариш режалаштирилган. Бу қўшимча 570 та иш ўрни ташкил этиш ҳамда ички истеъмол бозорини сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятини янада кенгайтиради.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# ШУКРОНАЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 9 май мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида, ўз жонини Ватан озодлиги учун фидо қилган юртдошларимиз хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром, бугунги дориламон кунлар, тинч-осойишта ҳаётимиз ва халқимиз фаровонлиги учун фахрланиш, нуронийларни эъзозлаш айёми тарзида кенг нишонланаётир.

Жорий йил ушбу байрам "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад навқирон авлодга тинчликнинг қадр-қимматини, мустақиллик ато этган улкан имкониятларнинг моҳиятини тушунтиришдир. Қутлуғ айём олдидан таълим масканларида Тинчлик дарслари ташкил этилишида ҳам ана шу эзгу мақсад кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ушбу дарсларни юқори савияда йўлга қўйиш учун тегишли режа ишлаб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шакллантирилган ишчи гуруҳи томонидан "Жасорат, бурч, матонат" номли услубий тавсия ҳамда Тинчлик дарси ишланмаси, машғулот учун махсус ўқув режа ва тавсиялар яратилмоқда. Дарслар Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилиши, уларга уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, элда обрў топган, катта ҳаёт тажрибасига эга табаррук отахон ҳамда онахонлар, олимлар, адабиёт, маънавият, санъат, таълим фидойилари жалб этилиши машғулотларнинг янада сермазмун бўлишини таъминлайди.

Дарс жараёнида бу йилги байрамнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига ҳамоҳанг нишонланаётгани, Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган ҳиссаси, юртимиздан фронтга жўнаб кетган ўғлонларнинг жасорати, юртдошларимизнинг фронт ортидаги матонатли ва фидокорона меҳнати, диёримизга эвакуация қилинган гўдаклар, оналар, қариялар, беморларга кўрсатилган меҳр-мурувват, саховат, бағрикенглик ҳақида сўзлаб берилади.

— Мактабимизда Тинчлик дарслари кўтаринки руҳда ўтиши учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда, — дейди пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 144-умумтаълим мактаби директори Нилуфар Ҳусанбоева. — Унда Юртбошимизнинг "Тарихий хотирасиз — келажак йўқ", "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" каби асарларида республикамизда, бутун минтақада тинчликни асраш, ёш авлод онгу шуурида Ватан келажаги, унинг осойишталиги, равнақи йўлидаги масъулиятни кучайтиришга доир долзарб фикрлар ўқувчиларга ҳаётий мисоллар билан тушунтирилади.

Ишчи гуруҳининг маълум қилишича, юртимиздаги ўқув даргоҳларида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари билан давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилади. Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Қуролли Кучлар давлат музейи, жойлардаги музейларга экскурсиялар уюштирилиб, уларда ўқувчилар учун очиқ дарслар ўтказилади. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштирокида таълим муассасаларида тарғибот ишлари олиб борилади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Qishloq Qurilish Bank

*Мустақиллигимизнинг илк йилларираноқ Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида бу соҳанинг улуши тобора ортиб, иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучига айланмоқда.*

*Ушбу жараёнда, айниқса, тижорат банкларининг ҳиссаси катта бўлаётир. 2014 йилда улар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмликдан ортиқ ёки 2013 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп сармоялар, шу жумладан, салкам 2 триллион сўмлик ёки ўтган йилдагига қараганда 39 фоиздан ортиқ микрокредитлар ажратилгани бунинг яққол тасдиғидир.*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иқтисодий ислоҳотларнинг банк тизимида фаол амалга оширилишида асосий мувофиқлаштирувчи муассаса сифатида банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш, уларнинг ликвидлилигини мустаҳкамлаш, кредит портфелини, асосан, ички манбалар ҳисобидан ўсишини таъминлаш, банк хизматларидан фаол фойдаланувчи субъектлар салмоғини йилдан-йилга ошириб бориш масалаларига эътибор қаратиб келаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бунга “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан қўлга киритилаётган муваффақиятлар яққол мисол бўла олади. Масалан, 2015 йилнинг биринчи чораги давомида банк жамоаси мижозлар билан яқиндан ҳамкорликда фаолият юритгани туфайли унинг кредит қўйилмалари уч миллиард 107 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жами ажратилган кредитлар миқдори эса 272,3 млрд. сўмликка етди. Молиявий муассасанинг ўз маблағи ҳисобидан берилган кредитлар эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 44,4 млрд. сўмга ошиб, 132,4 млрд. сўмни ташкил этди.*

*Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, асосан, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи кичик корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини очиш учун банк томонидан 25,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди.*

*Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш мақсадида банк томонидан, шу йил 1 апрель ҳолатига кўра, 30,2 млрд. сўм миқдорида кредит берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,0 млрд. сўм ёки 1,4 баробар ортиқдир.*

*Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш, тадбиркор хотин-қизларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам “Қишлоқ қурилиш банк”нинг диққат-эътиборида. Хусусан, ўтган уч ой мобайнида банк томонидан тадбиркор опа-сингилларимизга 24,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани ана шундан далолат беради.*

*Қолаверса, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш йўлида ҳам банк жамоаси муайян ишларни бажармоқда. Жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жалб этиш, уларнинг ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши учун жорий йилнинг январь — март ойларида 3,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар тақдим қилингани бунинг исботидир.*

*Ана шу саъй-ҳаракатларнинг барчаси, ўз навбатида, банк ва мижоз ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Мижозларнинг қуйидаги дил сўзларини ўқиган киши бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилади.*




«Қишлоқ қурилиш банк»:

# ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ ХИЗМАТИДА

### Қурилиш саноатининг ривожи йўлида

Аввало, вилоятимизнинг чекка ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш орқали ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, шу тарзда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда фаровонлигини юксалтириш борасида “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Қашқадарё минтақавий филиали ҳиссаси салмоқли бўлаётганини қайд этишни истардим.

Жумладан, биз ушбу филиал томонидан ажратилган 830 млн. сўмлик кредит эвазига соатига 46 — 88 куб метр норуда материаллари (тош-шағал, ювилган қум) ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводни ишга туширдик. Корхонамизда хориж давлатидан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган эмасми, 2014 йилда қарийб 400 млн. сўмлик шундай материаллар тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Ҳозирги кунга қадар жамиятимизда қўшимча 4 та иш ўрни яратилган бўлса, бу йил корхонанинг тўла қувват билан ишлашини йўлга қўйиб, ишчилар сонини яна 17 нафарга кўпайтиришни мўлжаллаб турибмиз.

**Фарҳод НОРМАҲМАТОВ,**
**«Дўстлик» МЧЖ раҳбари.**
Қашқадарё вилояти

### Қўли гул ҳунармандининг бахти очилди

Мен эшик ва дераза ромлари ясаш билан шуғулланаман. “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Когон филиалидан 80 миллион сўмлик кредит олиб, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ўз фаолиятимни бошладим. Бу маблағ ҳисобидан алюминий профиллари харид қилингани туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ошиши баробарида, 3 киши иш билан таъминланди. Уларнинг 2 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

Шулар ҳақида ўйлаганимда, юртимизда мустақиллик шарофати билан тадбиркорлар, хусусан, қўли гул ҳунармандлар бахти очилганидан бир қувонсам, улар банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётганидан ўн чандон севиниб кетаман.

Шунинг учун 2015 йилда ҳам ўз олдимизга катта мақсадларни қўйганмиз. Уларнинг рўёбида яна банкнинг мададига таянамиз, албатта.

**Нодир МУСОЕВ,**
**якка тартибдаги тадбиркор.**
Бухоро вилояти

### Элга хизмат — олий ҳиммат

Жойларда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимиз иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан ҳам ривожланган давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Бунда, шубҳасиз, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кредитлар берилаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мисол учун, бизнинг жамиятимиз ҳам “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Навоий минтақавий филиали томонидан ажратилган 300 млн. сўм миқдоридаги кредит эвазига 2013 йилда ташкил этилган. Ҳозирги кунда мазкур маблаққа сотиб олинган замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз. Бу юмуш билан 6 киши банд.

“Элга хизмат — олий ҳиммат”, дейдилар. Шундан келиб чиқиб, корхонамизнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида банкдан яна қўшимча кредит олишни режалаштирганмиз. Бу ниятимиз ҳам, албатта, ушалади. Чунки “Қишлоқ қурилиш банк”дек яқин ҳамкоримиз бор!

**Маъруф АХТАМОВ,**
**«Navoiy Asia production» МЧЖ раҳбари.**
Навоий вилояти

### Муваффақиятлар калити

Мамлакатимизда молия муассасалари томонидан тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани кутилган самараларни бермоқда. Ўзимиздан қиёс: “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиалидан 300 млн. сўм миқдорида кредит олиб, тўрт кишини ишга қабул қилган ҳолда, қадоқланган сув ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Бугунги кунда экологик тоза обиҳаётни аҳоли ва ташкилотлар ходимларига етказиб бераяпмиз. Бу хизматимиздан барча мамнун.

Мақсадимиз — тадбиркорликни янада ривожлантириб, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш, ишчи-ходимларнинг даромадини ошириш. Бу борада ҳам келгусида банкнинг молиявий ёрдами қўл келишига аминмиз. Чунки муваффақият калити — кредитда.

**Мамуд КАРИМОВ,**
**«Nukus Mirob» МЧЖ раҳбари.**
Қорақалпоғистон Республикаси



### Илғор технологиялар афзаллиги

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги кунда сифатли, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларни ҳаётга жорий қилиш — давр талаби. Бунинг учун эса маблағ керак. Шу боис бизнес-режа тузиб, “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Андижон минтақавий филиалига мурожаат қилдик. Унинг ходимлари лойиҳамизни маъқуллаб, қисқа фурсатда сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилишимизга 520 миллион сўм миқдорида кредит ажратиб беришди. Илғор технологияларнинг афзаллиги шундаки, айни чоғда 9 турдаги маҳсулотни тайёрлаяпмиз. Энг муҳими, коллеж битирувчиларидан 7 нафари муқим иш жойига эга бўлди.

**Элмурод ҚАЮМОВ,**
**«Ага милк плюс» МЧЖ раҳбари.**
Андижон вилояти

### Маҳсулотимизга талаб ошмоқда

Бизнинг корхонамиз 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, ўшандан буён аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш билан бирга, бозорларимизни иссиқхона хўжалигимизда етиштирилган арзон ҳамда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш пайидан бўлаяпмиз.

Бунда, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Хоразм минтақавий филиали томонидан берилган 80 миллион сўмлик кредитнинг нафи катта бўлди.

Қувонарлиси, иссиқхонамиз маҳсулотларига талаб тобора ошмоқда. Шуни инобатга олиб, банкдан қўшимча кредит сўрамоқчимиз. Бу сармоя ҳисобидан эса озиқ-овқат неъматларини кўпайтириш баробарида, жорий йилда уларни сақлайдиган музлаткич омборини ҳам бунёд этамиз.

**Илёсбек ҲИКМЕТОВ,**
**«Илёсбек Сирожбек» хусусий корхонаси раҳбари.**
Хоразм вилояти

### Фаолиятимиз кенгайиб бораверади

Юртимизда кичик бизнес вакилларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек масъулиятли вазифа тижорат банклари зиммасига юклатилган. “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси бу вазифани шараф билан адо этмоқда. Масалан, унинг “Чимбой” филиалида аҳоли ва мижозларга сифатли ҳамда тезкор банк хизматлари кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Айниқса, бу ерда ишлайдиган ходимларнинг муомаласидан баҳридилингиз очилади, кўнглингиз равшан тортади. Фақат уларга пухта бизнес-режангиз ёки лойиҳангизни тақдим этсангиз, кифоя. Айтайлик, биз 2014 йили фаолиятимизни кенгайтириш, яъни қандолат маҳсулотлари турини кўпайтириш мақсадида бизнес-режа туздик. Ҳисоб-китобимиз бўйича бунинг учун 100 миллион сўм зарур экан. Шунда тажрибали тадбиркорлар “Лойиҳангизни банкка тақдим этинглар”, дейишди. Адашмабмиз, “Қишлоқ қурилиш банк”нинг ходимлари бизни қўллаб-қувватлашди. Улар томонидан ажратилган сармояга илғор ускуналар сотиб олдик. Бугунги кунда эса аҳолига турли ширинликларни тавсия қилаяпмиз.

Корхонамизда 10 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

2015 йилги режамизга мувофиқ, қишлоқларда янги корхоналар очиб, ишлаб чиқаришнинг бошқа йўналишларига ҳам қўл урмоқчимиз. Бу борада яна “Қишлоқ қурилиш банк”нинг молиявий мададига суянамиз. Нега деганда, икки томонлама ишонч устувор экан, фаолиятимиз равнақ топаверади.

**Ҳамидулла УТАМБЕТОВ,**
**«Амангелди — Меҳрибан» хусусий фирмаси раҳбари.**
Қорақалпоғистон Республикаси





Кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг барча ҳудудида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вакиллари “Қишлоқ қурилиш банк” ва унинг филиаллари томонидан кўрсатилаётган хизматлардан хурсанд. Зеро, бу жамоанинг мақсади битта: у ҳам бўлса, аҳоли ва ишбилармонларнинг эзгу ниятлари ушалишини таъминлаш, пировардида ҳар бир инсоннинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш йўлида самарали фаолият юритишдан иборатдир.

**«Қишлоқ қурилиш банк» материаллари асосида Икром ЎТБОСАРОВ тайёрлади.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

# СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Жисмонан бақувват, руҳан тетик ҳамда фаол яшаш учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки овқатланиш инсон ҳаёти ва саломатлигининг асоси, узоқ умр кўриш ва меҳнат қобилиятини белгиловчи бош омилдир. У рационал бўлиши, яъни инсоннинг ёши, жинси, меҳнат фаолиятига мос келиши лозим.

Саломатликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги асосий озиқ моддаларга оқсил, ёғ, углевод, витамин ва минерал моддалар киради. Мутахассислар тавсиясига мувофиқ, қувват қиймати 10-15 фоиз оқсиллар, 30-35 фоиз ёғлар, 50 фоиз углеводлар томонидан таъминланиши керак.

Маълумки, қариш табиий жараён ва биологик қонуният ҳисобланади ҳамда унинг натижасида инсон танасида бир қатор физиологик ва биокимёвий жараёнлар сустлашади. Ташқи таъсирларга нисбатан чидамлилик кучсизланади ва барча аъзо фаолияти заифлашади. Кексаликда уларга хос бўлган касалликлар (атеросклероз, юрак-ишемик хасталиклари, хафақон касаллиги, суяк бўғинларида туз йиғилиш ҳолати, асаб касалликлари ва бошқалар) юзага келади. Шунинг учун хасталикларнинг олдини олиш ва кексаларда соғлом умрни узайтириш асосларидан бири оқилона овқатланишдир. Кексаларнинг соғлом овқатланишида уларнинг тартиби, овқат таркиблари ўзига хосдир. Улар ҳайвон ёғлари, ёғли гўштлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар ҳамда ширинликлардан тайёрланган маҳсулотларни кескин чегаралашлари лозим. Таом, асосан, ўсимлик ёғида тайёрланиши лозим. Уларга турли хил ёрмалардан тайёрланган бўтқалар, ёғи кам пишлоқлар, кефир, қатиқ, творог ва бошқа сутли маҳсулотлар тавсия этилади. Чунки улар таркибида суякни мустаҳкам қилувчи кальций моддалари ва атеросклероз, юрак-қон томир, бош мия касалликларининг олдини олувчи ёғни парчаловчи моддалар мавжуд.

Тиббий нуқтаи назардан кунда 4 маротаба ва бир вақтда овқатланиш мақсадга мувофиқ. Бундай тартибга амал қилиш озуқаларнинг яхши ҳазм бўлиши учун имконият яратади. Таом қабул қилиш миқдори ва сонининг кўпайиши овқат ҳазм қилиш маркази қўзғалувчанлигини камайтиради ва иштаҳани сусайтиради.

Овқатланиш инсон саломатлигига таъсир этувчи етакчи омиллардан бири экан, бутун дунёда соғлиққа ижобий таъсир кўрсатувчи таомномалар яратиш борасида мунтазам изланишлар олиб борилган ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Уларнинг умумқабул қилинганларидан бири Америка Қўшма Штатларидаги Гарвард жамоат соғлиғини сақлаш мактаби томонидан таклиф этилган соғлом овқатланиш пирамидаси ҳисобланади. Унда рационал овқатланиш чизма ҳолида тасвирланган ва ушбу пирамида 2005 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан соғлом овқатланиш асоси сифатида бутун дунё аҳолиси орасида қўллашга тавсия этилган.

Пирамиданинг асосини жисмоний ҳаракат, вазнни меъёрида сақлаш ва суюқликни меъёрида истеъмол қилиш ташкил этса, кейинги поғонасини бошоқлилар, дуккаклилар, картошка, ёрма, гуруч ва шунга ўхшаш маҳсулотлар, ундан кейинги босқичларни эса ҳўл мевалар, сабзавотлар, гўшт, балиқ, товуқ, пишлоқ, сут маҳсулотлари, сариёғ, тухум кабилар ташкил этиб, сўнгги босқич, яъни пирамида чўққиси қандолат маҳсулотлари, шакар, туз ва ёғлар билан якунланади.

Бинобарин, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб турли соҳаларда, жумладан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг жорий этиш мақсадида Инсон манфаатлари йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили, Сиҳат-саломатлик йили, Соғлом бола йили каби давлат дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Чунончи 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Аслида, серқуёш республикамиз ҳудудида инсон саломатлиги учун неки зарур бўлса, барчаси мавжуд. Яъни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган барча деҳқончилик маҳсулотлари — мевалар, витаминларга бой полиз экинлари, кўкатлар ва бошқа ўсимликлар заминимизда етиштирилади. Улар йилнинг тўрт фаслида ҳам меҳмондўст халқимиз дастурхонини безаб туради. Ўзбекистонда етиштириладиган қовун-тарвуз, анор, олма, шафтоли, узум, нок ва бошқа мевалар ҳамда турли-туман кўкатларнинг довруғи бутун оламга машҳур.

Ўзбек пазандачилигида эса миллий таомимиз ҳисобланган паловнинг 100 дан ортиқ, кабобнинг 30 га яқин, суюқ овқатларнинг 80 га яқин турлари мавжуд. Баҳорда дастурхонларимизга сумалак, кўкчучвара ва кўксомса, қовурма гулкарам, ялпизли мошхўрда тортилса, ёзда уни помидор кабоб, карам ва қалампир дўлма, чалоб (айрон), гўжа ош, турли сабзавотли димламалар безайди.

Кўриниб турибдики, онатабиатимиз йил — ўн икки ой мевалар, сабзавотлар ва турли кўкатлардан истеъмол қилиш имкониятини берган. Биз эса ана шу неъматлардан унумли фойдалансак, Абу Али ибн Синонинг “Кимки ўз соғлиғини сақламоқчи ва мустаҳкамламоқчи бўлса, овқатланиш тартибига, истеъмол қилинаётган овқатнинг сифатига, миқдорига, овқатни истеъмол қилиш вақти ва унинг ҳазм бўлиш жараёнига асосий эътиборни қаратмоғи лозим” деган сўзларига амал қилган бўламиз.

**УГЛЕВОДЛАР** — организмнинг қувват сарфини қоплайдиган асосий манба ҳисобланади. Улар, асосан, ўсимлик маҳсулотларида, нон, ёрмалар, картошка, қанд, сабзавотлар, меваларда кўп бўлади. Масалан, гуруч ва пўсти билан қайнатилган картошкада калий миқдори кўп бўлиб, у инсон танасидаги ортиқча суюқликнинг чиқиб кетишига ёрдам беради. Умумий калориянинг тахминан ярми нон, ёрма, картошка, гуруч ҳисобидан қопланиши керак, бу эса юрак-қон томир, меъда-ичак, ўсма касалликларининг ривожланиш ва моддалар алмашинувининг бузилиш (қандли диабет) хавфини камайтиришга ёрдам беради.

**ОҚСИЛЛАР** эса вужудда ҳужайралар яратилиши ва иммун тизимининг шаклланиши учун керак. Сарфланган қувватни тиклаш учун ёғ ва углевод етарли бўлмаса, оқсиллар белгиланган вазифалари бўйича ишлатилмай, қувват танқислигини тўлдиришга сарфланади. Овқат билан оқсилни кўп миқдорда қабул қилиш ҳам организмга фойда келтирмайди, сабаби улар олдиндан захира ҳолида йиғилиш хусусиятига эга эмас.

Маҳаллий шароитда етиштирилган мош, нўхат, ловия каби дуккаклилар тўлақонли оқсилнинг бой манбаидир.

**ЁҒЛАР** организмнинг барча ҳужайралари таркибига киради. Улар ёғ тўқималарида йиғилади ва овқатланиш етарли бўлмаганда сарфланадиган “организмнинг захирадаги қуввати ашёси” бўлиб ҳисобланади.

Рационнинг 30-35 фоиз қуввати ёғ ҳисобига таъминланади. Ёғ миқдорининг ярми сариёғ, маргарин, ўсимлик ёғи, ҳайвон ёғи, товуқ ёғига, қолган ярми эса кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, сут, қандолат маҳсулотлари) таркибида яширин мавжуд бўлган ёғларга тўғри келади. Айниқса, ёғ миқдори колбаса ва сосискаларда кесилганда кўринмаса-да, жуда юқори бўлади. Бу гуруҳдаги кўпгина маҳсулотларда тахминан 50%гача ҳайвон ёғи бўлади. Ёғларни, айниқса, ҳайвон ёғларини кўп миқдорда истеъмол қилиш саломатлик учун кони зарардир.

**ВИТАМИНЛАР ва МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР** — модда алмашинуви жараёнини организмда бошқарувчи асосий омиллардир. Ҳозирги кунда инсон ҳаёти учун зарур бўлган 13 та витамин мавжудлиги аниқланган. Булар PP, C, A, D, E, K ва B гуруҳидаги витаминлар, фолий, пантотен кислотаси, биотиндир. Ҳар бир витамин кўп хусусиятли вазифаларни бажаради ва улардан бирортасининг етишмаслиги оғир касалликка олиб келиши мумкин. Витамин танқислиги бирон-бир чегараланган одамлар тоифасида эмас, балки аҳолининг деярли барча ёшдаги, касбдаги ва миллатдаги гуруҳларида учрайди. Шундай қилиб, витаминларнинг етарлича қабул қилинмаслиги оммавий характерга эга бўлиб, у инсон саломатлигига умр бўйи доимий салбий таъсир кўрсатиб келадиган омил ҳисобланади. Мунтазам равишда турли хил мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш витаминлар танқислигини камайтириши мумкин, чунки ҳар бир мева ва сабзавотнинг овқатланишдаги аҳамияти турлича. Масалан яшил ва тўқ сариқ рангли сабзавотлар — қовоқ, шолғом, исмалоқ, петрушка, укроп, кашнич, кўкпиёз, помидор, ширин булғори, сабзи кабилар турли хил витаминлар, жумладан A, B гуруҳи, C, D, PP кабиларга бой.

**МИНЕРАЛ МОДДАЛАР** — овқатланишнинг таркибий қисми бўлиб, улар инсон ҳаёт фаолияти учун ўта муҳимдир. Саломатликни сақлаш ва қўллаб-қувватлаб туриш учун инсонга турли хил минерал моддалар зарур. Ҳар бир минерал модданинг организм учун ўзига хос аҳамияти бор, шунинг учун улар овқат билан ҳар куни етарли миқдорда истеъмол қилиниши керак. Минерал моддалар суяк тўқимаси ва тишнинг асосини ташкил этади, улар меъёрдаги кислота-ишқор муҳитини сақлаб туришга ёрдам беради, оқсил, ёғ ва углевод алмашинувларида иштирок этади, юрак-қон томир, нерв, меъда-ичак, қон яратиш ва қуюлиш тизими фаолиятида иштирок этади, эндокрин без фаолияти ва ҳазм ширалари фаоллигини қўллаб-қувватлайди. Меъёрда фаолият олиб бориши учун организмга 16 турдаги минерал моддалар зарур. Организмга кальций, магний, натрий, калий ва фосфор каби макроэлементлар кўпроқ миқдорларда, темир ва цинк каби элементлар камроқ миқдорларда, йод, селен, молибден каби микроэлементлар эса, ўта кичик миқдорларда талаб этилади, бироқ уларнинг саломатликни сақлашдаги аҳамияти жуда юқоридир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига мувофиқ, бир ёки бир неча зарур озиқ моддаларнинг нисбий ёки мутлақ етишмовчилиги ёхуд ортиқчалиги натижасида юзага келадиган овқатланишдаги бузилишлар нотўғри овқатланиш, деб юритилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти соғлом овқатланиш тамойилларини ишлаб чиқди ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:




- *Кунига ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш.*
- *Кунига бир неча маҳал ҳар хил сабзавот ва мевалар, яхшиси, янги узилган маҳаллий мева ва сабзавотлардан (ҳар куни камида 400 г.) истеъмол қилинг.*
- *Нон ва йирик тортилган ун маҳсулотлари, ёрмалар ва картошка ҳар куни истеъмол қилиниши керак.*
- *Овқат билан истеъмол қилинаётган ёғ миқдорини назорат қилинг. Овқат тайёрлашда ҳайвон ёғларининг ўрнига кўпроқ ўсимлик ёғларини ишлатинг.*
- *Ёғли гўшт ва гўшт маҳсулотларини ёғсиз гўшт ҳамда дуккакли ўсимликлар, балиқ, товуқ маҳсулотлари билан алмаштиринг.*
- *Ёғ миқдори кам бўлган сут ва таркибида ёғ ҳамда туз миқдори кам бўлган қатиқ, сузма, творог, пишлоқ каби сут маҳсулотларини истеъмол қилинг.*
- *Таркибида қанд миқдори кам бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини танланг ва ширинлик ҳамда ширин ичимликлар истеъмолини чегаралаш орқали қанд миқдорини камайтиринг.*
- *Тузни камроқ истеъмол қилинг. Тузнинг умумий миқдори кунига бир чой қошиқ — 5 граммдан ошмаслиги лозим. Фақат йодланган ош тузини истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.*
- *Чой ўрнига табиий шарбатлар ёки қайнатилган сув ичинг ёки чойни асосий овқатланишлар оралиғидаги танаффусларда истеъмол қилинг.*
- *Овқат тайёрлаш жараёнида унинг хавфсизлигини таъминлаш ва тайёрлаш технологиясига риоя қилинг. Тез тайёрланувчи таомларни кам истеъмол қилинг.*
- *Ҳаётининг дастлабки 6 ойи давомида болани фақат кўкрак сути билан боқинг. Болани 2 ёшгача эмизишга ҳаракат қилинг ва қўшимча овқатлантиришга аста-секинлик билан кўкрак сутидан ажратмасдан ўргатинг.*
- *Тана вазнини тавсия қилинган меъёрда ушлаб туриш учун ўзингизга кундалик ўртача жисмоний юклама беришингиз лозим.*

**Шавкат КАРИМОВ,**
**Тошкент тиббиёт академияси ректори, академик.**

ТАНЛОВ

*Хонқа туманида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.*

## «Сиз қонунни биласизми?»

Бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 11 жамоа беш-та шарт бўйича ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказди.

Якуний натижаларга кўра, Боғот маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг “Қалқон” жамоаси биринчи ўринни, Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежининг “Парламент” жамоаси иккинчи ўринни, Шовот тумани қурилиш касб-ҳунар коллежининг “Юксалиш” жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

СПОРТ

*Навоий шаҳрида “Камолот” шахмат тахтаси” анъанавий республика турнирининг финал босқичи ўтказилди.*

## Ёш шахматчилар баҳси

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда юртимизнинг барча ҳудудидан 140 нафардан зиёд ўғил-қиз бешта ёш тоифасида ғолиблик учун дона сурди.

— Шахмат билан мунтазам шуғулланаман, — дейди навоийлик Озода Рўзиқулова. — Ушбу мусобақада муваффақият қозонганим ўзимга бўлган ишончимни янада орттирди. Келгусида халқаро турнирларда Ватанимиз байроғини юксакларга кўтаришни мақсад қилганман.



Турнирнинг якуний натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида мезбон вилоят вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари шахматчиларига насиб этди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Эълонлар

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I. Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани СИБ томонидан ЖИБ Беруний тумани судининг 2014 йил 30 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк объектлари такроран қўйилмоқда:**

**1.** Беруний тумани, Кат кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, ер майдони 254,70 кв.м. бўлган хусусий савдо мажмуаси бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 297 867 500 сўм.***

**2.** Беруний тумани, «Шимом» ОФЙда жойлашган, ер майдони 2850,39 кв.м. бўлган хусусий биолаборатория биноси.

***Бошланғич баҳоси — 157 173 730 сўм.***

**3.** Беруний тумани, «Дўстлик» ОФЙда жойлашган, ер майдони 6654,00 кв.м. бўлган сут фермаси бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 424 939 000 сўм.***

**4.** Беруний тумани, «Беруний» ОФЙда жойлашган, ер майдони 978,57 кв.м. бўлган хусусий паррандачилик бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 308 259 988 сўм.***

**5.** Беруний тумани, «Саркоп» ОФЙда жойлашган, ер майдони 642,85 кв.м. бўлган механизаторлар уйи бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 392 595 600 сўм.***

**6.** Беруний тумани, «Бийбазар» ОФЙда жойлашган, ер майдони 5419,06 кв.м. бўлган болалар хусусий боғчаси бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 789 612 756 сўм.***

**7.** Беруний тумани, «Дўстлик» ОФЙда жойлашган, ер майдони 1730,00 кв.м. бўлган хусусий қишлоқ врачлик пункти бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 155 367 312 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича судининг 2014 йил 17 сентябрдаги 1-ОХ-293/-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, «Аланияз Қаҳрамон» МФЙ ҳудуди, лойиҳадаги кўча, рақамсиз уйда жойлашган, умумий майдони 226,00 кв.м. бўлган, 2014 йилда қурилган коттеж типидаги 2 қаватли тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 329 751 340 сўм.***

Аукцион савдолари 2015 йил 4 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 1 май куни соат 18.00. Мазкур бинолар 2015 йил 4 май куни сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 20 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. 2015 йил 20 май куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 18 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТБ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

524А/2

Хизматлар лицензияланган.

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 24 июлдаги 2-44-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Муборак шаҳри, 4-кичик туман, Занжирсарой шоҳкўчасида жойлашган, ер майдони 227,67 кв.м. бўлган супермаркет биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 91 317 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Қашқадарё вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 29 сентябрдаги 18-1405/20688-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ибрат сифат текстиль» хусусий корхонасига тегишли, Қарши шаҳри, Қарши — Қамаши йўлида жойлашган, ер майдони 2787,09 кв.м., қурилиш майдони 373,75 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган офис ва ишлаб чиқариш базаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 5 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 1 май куни соат 18.00.

**3.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 14 октябрдаги 10-1019/14722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳар «Марказий универсал магазини» масъулияти чекланган жамиятига қарашли, Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 17-уйда жойлашган, 2 қаватли, ер майдони 7846,54 кв.м., қурилиш ости майдони 3183,29 кв.м. бўлган марказий универсал магазини қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 260 744 700 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 19 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 15 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

525А/2

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бошқарув раиси Анвар Аҳмедовга падари бузруквори

**АКМАЛХОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Физика-Қуёш” ИИЧБ жамоаси Физика-техника институти лабораторияси мудири, физика-математика фанлари номзоди Ҳуснитдин Нуритдиновга волидаи муҳтарамаси

**ОЙНИСА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Ижтимоий соҳалар менежменти кафедраси катта ўқитувчиси Омонилла Сайдаминович Умаровга волидаи муҳтарамаси

**Рихси ХОДИЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси раҳбарияти компания тизимидаги “Асл ойна” акциядорлик жамияти маслаҳатчиси

**Пётр Васильевич ДОГОНКИНнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5